# МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИ МАНБАШУНОСЛИГИ

**Н. Сулаймонова, К. Сулаймонова**

*Мақолада хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарий илмий мероси, уни ташкил этувчи асарларнинг манбашунослиги, аллома шахсиятининг эътироф этилишига доир фикрлар ҳамда асарларининг дунё бўйлаб тарқалиш кўлами, ўрганилиш тарихи борасидаги маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *илмий мерос, қўлёзма, тошбосма, нашр, манбашунослик, тавсиф, тасниф, исломшунослик, араб маданияти, шарҳ, изоҳ.*

*В статье приводятся сведения о научном наследии выдающегося ученого из Хорезма Махмуда Замахшари, об источниковедении составляющих его произведений, об их распространении по всему миру и о признании его заслуг как современниками, так и последователями.*

***Ключевые слова:*** *научное наследие, рукопись, литография, издание, источниковедение, описание, классификация, исламоведение, арабская культура, комментарий, примечание.*

*This article contains important information about a great thinker of Khorezm Mahmud Zamakhshariy and his scientific activity. There are bibliographic analyses of Mahmud Zamakhshariy's works and historical and modern information about the number of his works. At the end of the article, Zamakhshariy's works were classified into different spheres of the science.*

***Key words****: scientific legacy, manuscript, lithography, edition, description, source studies, classification, Islamology, Arabic culture, commentary, attachment.*

***Н.Сулаймонова*** *– Низомий номидаги ТДПУ доценти, филология фанлари номзоди;*
***К.Сулаймонова*** *– Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси.*

Илм-фан тараққиётининг тарихий босқичларини кузатар эканмиз, IX-XIV асрлар мусулмон Шарқида ўзининг интеллектуал салоҳияти, жаҳоншумул кашфиётлари билан танилган

ватандошларимизнинг номларини ифтихор билан тилга оламиз. «Мусулмон Ренессанси» деб аталган ана шу даврга мансуб аждодларимиздан бири ислом дунёсида таниқли бўлган машҳур тилшунос, луғатшунос, адабиётшунос олим Маҳмуд Замахшарийдир.

Замахшарийнинг илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш жаҳон шарқшунослигида ўзининг муайян ўрнига эга. Хусусан, Замахшарийнинг таржимаи ҳоли, унинг илмий фаолияти ва яратган асарлари ҳақида олимлар, тадқиқотчилар кўплаб асарлар яратганлар. Айниқса, ибн Халликоннинг «Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон», ибн ал-Анбарийнинг «Нузҳату-л-алиббо фи табақоти-л-удабо», Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон», ал-Ёфиъийнинг «Миръоту-л-жинон», ибн ал-Жавзийнинг «ал-Мунтазам», Жалолиддин ас-Суютийнинг «Буғйоту-л-вуот», ибн ал-Қифтийнинг «Инбаҳу-р-рувот», Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун» каби асарларда олимнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қимматли маълумотлар сақланган. Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «ал-Адабу-л-арабий фи иқлими Хоразм» номли илмий тадқиқоти ҳам Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Замахшарий ўз даврининг етук тилшуноси, луғатшуноси, исломшуноси, адабиётшуноси сифатида машҳур. Бунда устози – тилшунослик, луғатшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида донг таратган Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир ад-Даббий ал-Исфаҳонийнинг ҳиссаси катта бўлган. Ёқут ал-Ҳамавийнинг ёзишича, Замахшарийнинг устози Абу Мудар Маҳмуд ибн Шариф ал-Исфаҳоний тилшунослик соҳасида, айниқса, наҳву сарфда беқиёс олим бўлган [1.185]. Кўпгина илм толиблари, жумладан, Замахшарий ҳам унинг илмидан баҳраманд бўлиб, луғат ва наҳв соҳасида таълим олган.

Интернет тармоғидаги «Олтин мерос» номли халқаро фонднинг «Буюк олимлар» сайтида берилган «Замахшарий» номли мақолада келтирилишича, Шайх ал-Ҳаётий Замахшарийга фиқҳ соҳасида билим берган бўлса, имом Рукниддин Маҳмуд ал-Усулий ва имом Абу Мансурларни Замахшарий илоҳиёт илми(теология)да ўз устози деб билган. Замахшарий илм соҳасида ўз устозларидан ҳам ўтиб кетган. Шу сабабли Замахшарийнинг айрим устозлари тафсир илмидан тўла баҳраманд бўлиш мақсадида Замахшарийга шогирд тушганлар [2].

Алломанинг илмий фаолиятида араб тили асосий ўринни эгаллайди. У ўз асарларини, асосан, араб тилида ёзган. И.Ю.Крачковскийнинг фикрича, келиб чиқиши араб бўлмаган Замахшарий араб маданиятининг кўзга кўринган намояндаси бўлиб етишган [3.313]. У асарларининг муқаддимасида муттасил равишда араб тилини араб маданиятининг қуроли сифатида эътироф этган. Араб олимлари Замахшарийнинг илмий фаолиятига чуқур эҳтиром билан қараб, у ҳақда шундай деганлар: «Араблар Моваруннаҳрни қурол билан эгаллай олмадилар, лекин хоразмлик аллома ўз ҳассаси билан бутун араб дунёсини эгаллаб олди» [4.278].

Замахшарийнинг илм-фан оламида тутган ўрнига унинг замондошлари, кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар юксак баҳо берганлар. Жумладан, машҳур тарихчи ибн ал-Қифтий у ҳақда шундай деган: «… Замахшарий илм-ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга намуна бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлар яратган. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамликлар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир» [5.23]. Ироқлик машҳур тарихчи ибн Халликон шундай ёзган: «Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм-ул-баёнда буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарлар муаллифи эди» [6.107-110]. Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган мисрлик таниқли тарихчи ибн Тағриберди аллома тўғрисида қуйидагича фикр билдирган: «Шайх буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг пешвоси ва имоми бўлган» [5.23].

Замахшарийнинг илмий фаолияти узоқ вақтдан бери ўрганилиб келинмоқда. Унга қизиқиш нафақат шарқ, балки ғарб, хусусан, европалик шарқшуносларда ҳам катта. Ғарбнинг етук шарқшунослари Броккельман, Бенцинг, Гибб, Голдциер, Нельдеке, Райт кабилар, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкин, В.В.Бартольд, А.К.Боровков, А.Кримский сингари олимлар алломанинг серқирра ижоди устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Замахшарий қолдирган бой илмий мерос бугунги кунда мамлакатимизнинг шарқшунос, адабиётшунос олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда. У ҳақда янги-янги маълумотлар, мақола, рисола, тўплам, китоблар чоп этилмоқда.

Замахшарий илмий меросининг жаҳоншумул аҳамият касб этиши асарларининг кўплаб бошқа тилларга таржима қилингани билан ҳам белгиланади. Унинг асарларини инглиз, француз, немис, лотин, рус, татар, форс, ҳинд, турк каби турли шарқ ва ғарб тилларига таржима қилингани, уларга машҳур олимлар томонидан кўплаб шарҳ, изоҳ, ҳошиялар ёзилгани аллома илмий меросининг умуминсоний қадрият даражасида эътироф этилишига замин яратди. Олимнинг асарларини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Унинг асарлари Париж, Берлин, Қоҳи-

ра, Искандария, Тунис, Боғдод, Дамашқ, Байрут, Деҳли, Калькутта, Лакхнау, Ҳайдаробод, Қозон сингари шаҳарларда қайта-қайта чоп этилган. Замахшарий томонидан яратилган асарларнинг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари, уларга ёзилган шарҳлар Мюньхен, Лейден, Лейпциг, Гамбург, Кембридж, Манчестер, Милан, Санкт-Петербург, Теҳрон, Пешовар каби йирик шаҳарларнинг миллий кутубхоналарида, қўлёзма фондларида сақланмоқда. Мазкур маълумотлар, шубҳасиз, Замахшарийнинг буюкликка дахлдорлигидан далолат беради. Зеро илмий-амалий аҳамияти паст асарга, унинг муаллифига шарқ ва ғарб шарқшунослари бу қадар ҳурмат билан ёндошмаган бўлар эдилар, унинг асарлари турли тилларга таржима қилинмаган, қайта-қайта нашр этилмаган ҳамда жаҳоннинг энг нуфузли жамғармаларида асраб-авайлаб сақланмаган бўларди.

Замахшарий илмий меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, у, асосан, ижтимоий-гуманитар йўналишда асарлар яратган. Алломанинг меросида илоҳиёт, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, ахлоқшунослик, географияга оид асарлар мавжуд. Замахшарий асарларининг сони хусусида шарқ ва ғарб мутахассислари турлича маълумотлар берадилар. Жумладан, араб тадқиқотчиларидан Ҳожи Халифа (1608-1657) ўзининг икки жилдли «Кашф-уз-зунун» номли библиографик асарида Замахшарийнинг 29 та асарини санаб ўтган [7.506]. У Замахшарийнинг айрим асарлари ҳақида жуда тўлиқ (асарнинг тўлиқ номи, қачон ва қаерда ёзилгани, кимга бағишлангани, асарнинг қисқача мазмуни, машҳур кишиларнинг асар ҳақидаги фикри, асарга ёзилган шарҳ, ҳошия ва изоҳлар, уларнинг муаллифлари ҳақида) маълумот берган бўлса, баъзиларининг фақатгина номини кўрсатиб ўтади. Масалан, мазкур китобда муаллиф Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асари ҳақида уч [7.488-491], «ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомид-ит-танзил ва уйун-ил-ақовил фи вужуҳ-ит-таъвил» асари ҳақида етти бетдан иборат мақола [7.309-316] берган бўлса, «Дивон-уз-Замахшарий» [7.511], «Дивон-ут-тамсил» [7.506] каби асарларининг фақат номинигина айтиб ўтган.

Ироқлик араб тарихчиси ибн Халликон (1211-1282) «Вафойот-ул-аъйон ва анбоъ абноъ-из-замон»[1] номли асарида Замахшарийнинг 30 та асари номини келтирган [6.107-110].

Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам-ул-булдон» асарида эса бу кўрсаткич 50 тага етган [8.388-389].

Немис шарқшуноси Карл Броккельман «Geschichte der arabischen litteratur» номли китобининг биринчи нашрида Замахшарийнинг 21 та [9.289-293], иккинчи нашрида эса 25 та [10.507-513] асарига тўхталиб ўтган. У бу асарларнинг қўлёзма ва босма нусхаларининг сақланиш жойлари, нашрлари қаерда ва қачон амалга оширилгани, уларга ёзилган шарҳлар, изоҳлар ва ҳошиялар, шунингдек, уларнинг муаллифлари ҳақида батафсил маълумот берган.

Академик Алибек Рустамов ўзининг «Маҳмуд Замахшарий» номли рисоласида алломанинг 19 та асарини шарҳлаш билан бирга номи маълум, лекин ҳали топилмаган 19 та асари номини келтирган [11.10-12].

Истанбулда чоп этилган Ислом энциклопедиясида Замахшарийнинг 54 та асари ҳақида маълумотлар бор [12.511-514]. Ушбу китобда Замахшарий асарлари исломий, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик каби соҳалар бўйича таснифланган ва шарҳланган. Уларнинг айримларига батафсил изоҳ берилган, айримларининг эса фақат номлари келтирилган.

Шарқшунос олим У.Уватов «Нозик иборалар» китобида ироқлик олим Фозил Солиҳ ас-Самароийнинг фикрларига таянган ҳолда Замахшарий асарларининг сони 50 дан ортиқ деб таъкидлайди ва улардан 34 тасини шарҳлаб ўтади [5.25-45].

Байрутда нашрдан чиққан Замахшарийнинг «Асос-ул-балоға» асарининг муқаддима қисмида ношир Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд олимнинг 65 та асари номини санаб ўтган [13.1-10]. Мазкур нашрда айрим асарларнинг мавзуси, қаерда, қачон чоп этилгани, қўлёзма ва босма нусхалари, қайси жамғармаларда сақланиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Доғистон мусулмонлари бошқармасининг «Ассалом» газетасидаги маълумотларга қараганда, Замахшарийнинг 20 га яқин асарлари мавжуд, 50 га яқин асарларининг эса номигина маълум [2].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги Замахшарий ҳақидаги мақолада олим асарларининг сони хусусида шундай дейилган: «Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, тафсир, ҳадис, фиққа оид 50 дан ортиқ асарлар яратган» [14.557].

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили, қолаверса, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган аллома асарларини ўрганиш натижасида Замахшарий

[1] Ибн Халликоннинг ушбу асари библиографик характерга эга бўлиб, унда машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёти ва илмий мероси ёритилган. Икки жилддан иборат мазкур асарнинг бир қанча тошбосма нусхалари ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида 7863, 8922-23, 9031-32, 11473-74 инвентарь рақамлар остида сақланмоқда.

томонидан яратилган 71 та асар номи аниқланди. Бироқ уларнинг орасида номи маълум, лекин топилмаган асарлар ҳам мавжуд. Демак, Замахшарий асарларининг умумий сони бундан-да кўп бўлиши мумкин.

Замахшарий илмий меросини ташкил этувчи асарлар мазмун ва моҳиятига кўра фаннинг турли соҳаларига оид. Уларни таснифлаш борасида ҳам турли хил фикрлар мавжуд.

Араб тарихчиси ибн Халликон «Вафойот-ул-аъйон» асарида Замахшарийнинг тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм-ул-баёнда ноёб асарлар яратганини айтиб ўтган [6.107].

Шарқшунос олим У.Уватов эса Замахшарий асарларини ўрганар экан, уларни диний, луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ каби соҳаларга бўлади [5.24].

Туркияда чоп этилган Ислом энциклопедиясидаги «Замахшарий» номли мақолада алломанинг асарлари исломий илмлар, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик сингари гуруҳларга ажратилган [12.511-514].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Замахшарийнинг асарларини мазмун ва моҳиятига қараб соҳалар бўйича таснифлаш борасида ҳам иккиланишлар мавжуд. Сабаби, алломанинг илмий меросида икки йўналишга оид асарлар талайгина. Масалан, «ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомид-ит-танзил ва уйун-ил-ақовил фи вужуҳ-ит-таъвил», «ар-Рисолату фи калимат-иш-шаҳода» каби асарлар ҳам исломшунослик, ҳам тилшуносликка оид. «Муқаддамат-ул-адаб» ҳам тилшунослик, ҳам луғатшунослик, «ал-Фоиқ фи ғариб-ил-ҳадис» ҳам луғатшунослик, ҳам исломшунослик, «Ал-Амкина ва-л-жибол ва-л-мийоҳ» ҳам география, ҳам луғатшунослик соҳасига оид асарлар ҳисобланади.

Аллома асарларининг таснифига оид қатор манбаларни ва Ўзбекистон фондларида мавжуд асарларни ўрганиш уларни қуйидаги фан соҳалари бўйича таснифлаш имконини берди:

***Адабий асарлар**: «Атвоқ-уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб», «Девон-уз-Замахшарий», «Мақомот-уз-Замахшарий», «Навобиғ-ул-калим», «Рабиъ-ул-аброр ва нусус-ул-ахбор» ва ҳоказо.*

***Тилшуносликка оид асарлар***: «Ал-Муфассал фи санъат-ил-иъроб», «Ал-Муфрад ва-л-муълаф фи-н-наҳв», «Муқаддамат-ул-адаб», «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» ва бошқалар.

***Луғатшуносликка оид асарлар**: «Асос-ул-балоға», «Ал-Муъжам-ул-арабий-форсий», «Муқаддамат-ул-адаб»*

***Диний асарлар**: «Ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомид-ит-танзил ва уйун-ил-ақовил фи вужуҳ-ит-таъвил», «Ал-Минҳож фи усул-ид-дин», «Ал-Фоиқ фи ғариб-ил-ҳадис» ва ҳоказо.*

***География оид асар**: «Ал-Амкина ва-л-жибол ва-л-мийоҳ»*

Маҳмуд Замахшарийнинг юқорида сўз юритилган соҳаларда яратган нодир асарлари ўз даврида шогирдлари томонидан ўрганилган. Қолаверса, ўз даврида мавжуд сарой кутубхоналаридан жой олиши учун хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилган. Аллома вафотидан сўнг унинг илмий мероси жаҳон шарқшунослари томонидан синчиклаб ўрганилиб, уларнинг қатор нашрлари тайёрланди. Аллома ватани Ўзбекистонда ҳам мамлакат мустақиллигидан кейин Замахшарий шахсияти ва илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Бунинг натижасида қатор тадқиқотчиларни ўз ичига олган замахшарийшунослик мактаби вужудга келди. Аллома асарлари ўрганилиб, улар ҳақидаги қимматли маълумотлар кенг оммага тақдим этилди. Бироқ Замахшарий асарлари орасида ўз тадқиқотчиларини кутаётган асарлар талайгина. Биз ана шу нодир асарлар келгусида ҳам илмий тадқиқотлар объектига айланади, деган умиддамиз.

**Адабиётлар:**

1. Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари // Шарқ юлдузи, 1991 №2. – 185-б.
2. http://assalam.dgu.ru
3. Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. – М.–Л.: Издательство АН СССР, 1957. – 313-б.
4. Ҳакимов А. Замахшарий тилшунос олим // Шарқшунослик, 1999 №1-2. – 278-б.
5. Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 23-б.
6. Ибн Халликон. Вафойот-ул-йъйон ва анбоъ абноъ-из-замон. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-110-б.
7. Ҳожи Халифа. Кашф-уз-зунун. Ж. 1. – Миср: 1894. – 506-б.
8. Ёқут Ҳамавий. Муъжам-ул-булдон. – Миср: Дор-ус-саодат, 1908. – 388-389-б.
9. Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. - 289-293-s.
10. Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. - 507-513-s.

11. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – 10-12-б.
12. Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1986. – 511-514–s.
13. Замахшарий. Асос-ул-балоға. Ж. 1. – Байрут: Дар-ул-кутуб-ил-илмиййа, 1998. - 1-10-б.
14. Рустамов А., Уватов У. Замахшарий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 3.- Т., 2002

*2014 йил 8 сентябрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)*